

Аллоҳ таоло шундай айтади:

53/ءارسإلإ (مُهَنِّيَبُ غَزَنِي نَاطِيَّ شِلَانِ نَسْحَآيَه يَتَلِا اُولُوقِي يَدَابِعِلْ لُقَوِو
“Бандаларимга айтингки, улар (ўзаро) гўзал (сўзлардан) сўзласинлар.

Зеро, шайтон уларнинг ўрталарида бузғунчилик қилур”. (Исро: 53).

Гўзал сўзлар бу бирор кишининг шаклу шумоилини, шахсиятини ҳақорот қилмайдиган, мусулмоннинг обрўсини тўкмайдиган ҳамда мўминнинг ҳурматини поймол қилмайдиган ажойиб, ҳуш сўзлар саналади.

Аллоҳ таоло яна бир ояти каримада шундай дейди:

هُومُتَوْرَكَفَ اَتَيْمَ هِيَحَ اَمَحَلْ لِكْ اَيُّ نَ اَمُكُ دَحَ اَبْحُ يَ اَضْغَبُ مُكُضْغَبُ بَتَّغِي اَلَوِ
[12/تارجحلإ]

“Бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир!”. (Ҳужурот: 12).

Қанча-қанча рўзадорлар борки, тиллари бузилган, нутқлари ёмонлашиб, айтадиган сўзларига риоя этилмай қўйилган кундан бошлаб рўзаларини бузгандирлар.

Азизлар! Рўза тутишдан мақсад бу фақат оч қолиш билан чанқаш эмас.

Балки, барча аъзоларимизни тарбия қилиш, одобга солиш демакдир.

Тилда сиз унга ҳукмронлик қилмаганингиз оқибатида ўнлаб касаллиги

келиб чиқади. 1. Ёлғон гапириш. 2. Ғийбат қилиш. 3. Чақимчилик қилиш. 4.

Ахлоқсиз сўзларни гапириш. 5. Сўкиниш. 6. Уятсиз гапларни гапириш. 7.

Алдаш. 8. Лаънатлаш. 9. Масхара қилиш. 10. Истеҳзо қилиш ва ҳоказо...

Баъзи сўзлар борки ўз соҳибини жаҳаннамга юз тубан қулашига сабабчи бўлади. Албатта бундай сўзларнинг эгалари тилларига эрк бериб, унинг тизгинини, жловини шундай бўш қўйган инсонлардир.

Тил яхшилик эшигига йўл бўлганидек, ёмонликка ҳам худди шундай йўлдир.

Тиллари ила Аллоҳ таолони зикр қиладиган, Ул зотга истиғфор айтиб,

ҳамду сано тилайдиган ҳамда тасбеҳлар айтиб, шукр қиладиган,

шунингдек, тавба қиладиган кишилар қандай ҳам кўзнинг қувончидирлар.

Аксинча, тиллари ила инсонларнинг обрўларини поймол қиладиган,

ҳурматларини тўкадиган ҳамда қадру қийматларини ерга урадиган

инсонлар албатта бу дунёда ҳам охирада зиён чекувчилардир.

Эй, Рўзадор азизларим, келинг тилларимизни зикр ила хўллайлик, тақво

ила зийнатлайлик ва турли хил маъсиятлардан поклайлик!

Эй, Аллоҳим, биз сендан содиқ тилларни, саломат қалбларни ҳамда

истиқоматда бўлган хулқларни сўраймиз. Ушбу ойнинг ҳурматида

барчаларимизнинг гуноҳларимизни кечир! Омиин!

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Ғиёсиддин Ҳабибуллоқ ўғли